



ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ

4
=====
2020

МУНДАРИЖА

Эргашева Ш.Т.	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг ривожланиш босқичлари.....	136
САНОАТ ИҚТІСОДИЁТИ		
ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТИ		
Сарiev Қ.Р.	Худудларнинг саноат тармоғидаги тузилмавий - таркибий ўзгаришларни статистик баҳолаш.....	143
Султонов М.М. Акбаров М.И.	Автосаноат корхоналари бошқарув стратегиясини оптималлаштириш.....	148
Сауханов Ж.К.	Транспорт хизматларига мавжуд талабни бошқаришда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти.....	152
Nazarova R.R., Tuychiev K.L.	Яйловлардан унумли фойдаланган ҳолда гүшт етиштириш самардорлигини эконометрик баҳолаш..... <i>Modernization of car sales via internet sales.</i>	156 162
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ		
СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА		
Зулунова Ф.А.	Социальная защита работников организаций Республики Узбекистан в период пандемии коронавируса.....	165
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК		
МАЛОЙ БИЗНЕС И ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО		
Тошпўлатов Д.Ш. Тошпўлатов А.Ш.	Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ҳаражатларни бошқариш механизмини такомиллаштириш.....	168
МЕҲНАТ БОЗОРИ		
РЫНОК ТРУДА		
Эшбуриев У.Р.	Қишлоқ жойларда бандликка кўмаклашувчи давлат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари.....	174
Мансурова Н.Ш.	Самарқанд вилоят меҳнат бозори ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	183
МИНТАҚА ИҚТІСОДИЁТИ		
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА		
Вохидова М.Х.	Эркин иқтисодий худудларда замонавий усулларни қўллаш зарурити.....	190
Kotov V.A.	<i>Methodological issues of establishing and functioning of innovation growth centers as the regional economy as regional economy drivers.....</i>	195
Ташмуҳамедова Да.	Худудий ривожланишини бошқаришнинг молиявий масалалари.....	200
ИҚТІСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ		
ИНФОРМАЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ В ЭКОНОМИКЕ		
Арипов У.Б. Обилов М.Р.	Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожланиш истиқболлари.....	206
Сайдов Ф.Ф.	Аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш.....	215
	Корпоратив бошқарувда веб технологиялардан самарали фойдаланиш.	220
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО		
Топилдиев С.Р.	Мамлакатимизда аграр секторни янада ривожлантириша эспортни роли.....	223
Таженова Г.Е.	Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш: замонавий ҳолати, муаммолари ва такомиллаштириш йўллари.	226
Закимов А.М.	Қишлоқ хўжалигида кооперацияни ривожлантиришнинг институционал ёндошуви.....	231
Имомов Ж.О.	Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобат-бардошлигини баҳолаш услубиёти.....	235
РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ		
РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ		
Бакаев З.Т.	Ички ва кирувчи туризмни иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштириш.....	242
Мирзаев А.Т.	Туристик-рекреация хизматлар бозорида бошқарув тизимини ривожлантириш истиқболлари.....	247

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

шувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларида ги рақобатбардошлигини таъминлашда куйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мухим:

- экспортни давлат томонидан қўллаб-куvvatлаш механизmlарини янада ривожлантириш;

- экспорт қўйувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда қўмаклашиб;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида маълумотлар билан танишиши;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;

- иқтисодиётнинг барча жабжаларида рақобатдош ва илм талаб инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;

- халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назоратни жорий этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан савдо – иқтисодий ва молиявий ҳамкорликларни янада кучайтиришга эришилади.

Хулоса ўрнида юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, агарар соҳани ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар, ҳукуматимиз томонидан соҳага берилётган доимий эътибор ва иқтисодий имтиёзлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор энг сўнгги технологияларни амалиётга жорий этиш жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни кўпайишига ва соҳада экспорт ҳажмини ошишига олиб келади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар руҳхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатига мурожаатномаси 2020 йил 24 январ.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўналишлари бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари 2018 йил.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. 2019 йил 18 май. <https://kun.uz>.

5. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан тайёрланган ҳисобот - Европа ва Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш соҳасидаги ишларнинг аҳволи, ишчи гуруҳининг таҳлили 2018 йил.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ: ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Тажсенова Гулбахор Есбосыновна -
Тошкент давлат аграр университети
Нукус филиали, мустақил изланувчи**

Аннотация: Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ривожлантириши Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини оширишининг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясида 2030 йилга қадар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортни ҳажмини кескин ошириш, яъни 20 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси кўйилган[1]. Бу эса, ўз наебатида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Ушбу мақолада республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: кредит, субсидия, фоиз ставкаси, ҳужжатлаштирилган аккредитив, банк кафолати, инфляция, валюта курси, экспорт, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, давлат бюджети, бонификация.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

Аннотация: Развитие экспорта сельхозпродуктов является одним из обязательных условий повышения экспортного потенциала Республики Узбекистан. Поэтому, в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы предусмотрено существенное увеличение экспорта сельхозпродукций, т.е. до 20 млрд. долларов к 2030 году. А это, в свою очередь, обуславливает необходимость совершенствования практике финансирования экспорта сельхозпродуктов.

В статье выявлены проблемы, связанных с совершенствованием практике финансирования экспорта сельхозпродуктов в республике и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: кредит, субсидия, процентная ставка, документарный аккредитив, банковская гарантия, инфляция, валютный курс, экспорт, сельскохозяйственные продукты, государственный бюджет, бонификация.

Annotation: The development of agricultural exports is one of the prerequisites for increasing the export potential of the Republic of Uzbekistan. Therefore, the Strategy for the Development of Agriculture of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030 provides for a significant increase in agricultural exports, i.e. up to \$ 20 billion by 2030. And this, in turn, necessitates improving the practice of financing the export of agricultural products.

The article identifies problems associated with improving the practice of financing the export of agricultural products in the republic and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: credit, subsidy, interest rate, documentary letter of credit, bank guarantee, inflation, exchange rate, export, agricultural products, state budget, bonification.

Кириш. Илғор хориж тажрибаси кўрсатдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг зарурый шартларидан бири ҳисобланади. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётида бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти бўйича очилган хужокатлаштирилган аккредитивларни жами аккредитивлар ҳажмидаги салмоғининг жуда кичиклиги (3,5-4,0%) ҳисобланади. Бундан ташқари, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиromoқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. В. Малийнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштиришда уларни сугурталашни давлат томонидан молиявий қўллаб-куватлаш муҳим ўрин тутади. Бунда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси сугурта ташкилоти билан сугурта шартномаси тузади ва сугурта мукофоти суммасининг 50 фозини тўлаб беради, қолган 50 фоизини давлат тўлаб беради [2].

В.Малийнинг ушбу хulosаси Ўзбекистон учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Фермерларнинг рентабеллик даражаси нисбатан паст бўлганлиги сабабли қишлоқ

хўжалик маҳсулотлари экспорти суғуртаси харажатининг ярмини давлат томонидан қоплаб берилиши уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиласи.

С.Короткова, Ю. Ткач, Е.Шкарупа, П.Переходов, Ж.Скофт, У.Динкельберглар томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, қишлоқ хўжалиги экспортини кредитлаш самарадорлигини таъминлашнинг зарурый шарти бўлиб, тижорат банклари томонидан экспортни молиялаштириш мақсадида берилган кредитларнинг фоизини бир қисмини давлат томонидан қоплаб берилиши (бонификация) ҳисобланади[3].

А.Гавриловнинг хulosасига кўра, экспортни молиялаштиришни такомиллаштириш йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- экспортни молиялаштириш давлат ва хусусий капитални ўзида мужассам этган тизимга асосланиши керак;
- ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш;
- экспортёрларни ахборот ва консалтинг қўллаб-куватлаш институтини яратиш;
- экспорт кредитларини суғурталаш агентлигини ташкил этиш;
- экспортёрларнинг транспорт харатларини субсидиялаш [4].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Э.Шодмонов ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан аграр соҳа корхоналарининг экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш мақсадида фойдаланиш қўламини кенгайтиришни таклиф қилган [5].

И.Алимардоновнинг фикрига кўра, кичик бизнес субъектларининг (шу жумладан, аграр соҳада фаолият юритаётган кичик биз-

нес субъектларининг) ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун уларнинг хўжоатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга ошириладиган тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланишини жорий қилиш керак [6].

Таҳлиллар ва натижалар. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш учун зарур бўлган шартшароитларни яратиш, шу жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 августдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчиларнинг маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича харажатлари «Ўстандарт» агентлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Экспортни рафбатлантириш агентлиги томонидан қоплаш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-куват-

лаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан миллий валютада, қиймати 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида жалб қилинадиган кредитлар бўйича - 5 фоизли пункт миқдорида; хорижий валютада, қиймати эквивалентда 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда жалб қилинадиган кредитлар бўйича - тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 4 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тартиби жорий қилинди[7].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 163-сонли қарори билан тасдиқланган “Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ:

- тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш хукуқига эгадирлар. Бунда якка тартибдаги тадбиркорларнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт тушумларига ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутувчи солиққа тортиш тартиби қўлланилади;

- экспорт қилувчи юридик шахслар мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирасдан ҳамда экспорт шартномани тижорат ҳавфларидан сугурта полисисиз амалга ошириш хукуқига эга;



1-расм. Ўзбекистон Республикасида экспорт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг ҳажми, млрд. АҚШ доллари [9]

- экспорт операциялари бўйича божхона юқ декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб тўлов муддати ўтказиб юбо-


рилган дебитор қарздорликнинг пайдо бўлиш муддати мева-сабзавот маҳсулотлари учун 120 календарь кун этиб белгиланади;

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

- экспорт қилювчилар экспорт контракти тузмасдан инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан хорижий валютада банк ўтказмалари, шунингдек, хорижий ёки миллий валютадаги нақд пул маблағларини белгиланган тартибда банк кассаларига киритиш орқали 100 фоиз олдиндан тўлов олиш шарти билан экспорт қилиш хукуқига эга [8].

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси экспортининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг ҳажми беқарор бўлган. 2018 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг ҳажми 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасига молиявий хизматларни, асосан, Акциядорлик-тижорат "Агробанк" кўрсатади.



2-расм. АТ "Агробанк" томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва корхоналарнинг импорт операциялари бўйича хужжатлаштирилган аккредитивлар ва берилган кафолатлар, млрд. сўм [10]

2-расм маълумотларидан кўриш мумкини, 2016-2018 йилларда Агробанк томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг импорт операциялари бўйича очилган хужжатлаштирилган хужжатлаштирилган аккредитивлар ва берилган кафолатлар миқдори беқарор бўлган. 2018 йилда ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан кескин пасайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Агробанк томонидан таҳлил қилинган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва корхоналарининг экспорт операциялари бўйича хужжатлаштирилган аккредитивлар очилмаган ва кафолатлар берилмаган. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобланади. Бироқ, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш ҳажми кредитларнинг фоиз ставкасига боғлиқ. Афсуски, рес-

публикамиз тижорат банклари томонидан, шу жумладан, Агробанк томонидан аграр соҳаси субъектларига миллий ва хорижий валюталарда берилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари юқори бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини кредитлаш ҳажмини оширишга тўсқинлик қиласди.

2018 йилда Агробанк томонидан фермер хўжаликларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун инвестицион кредитлар 60 ойгача муддатга, йиллик 22 фоиздан 26 фоизгacha бўлган ставкаларда, айланма маблағларни тўлдириш учун 12 ойгача муддатга, йиллик 22 фоиздан 26 фоизгacha бўлган ставкаларда берилди. Шунингдек, Агробанк томонидан хорижий валюталарда берилган кредитларнинг фоиз ставкаси ҳам нисбатан юқоридир. Масалан, Агробанк томонидан Германиянинг Ландесбанкининг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаси 6 ойлик EURIBOR + 1,5% + 2 фоизни, Туркиянинг "Зираат" банкининг кредит линияси ҳисобидан берилган кредитларнинг фоиз ставкаси 6 ойлик Libor + 8,75 фоизни ташкил этади [11]. Бу эса, сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкаларидир.

Фикримизча, республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банклари томонидан қишлоқ маҳсулотлари экспорти бўйича очиладиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмини ошириш йўли билан мазкур экспортни молиялаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида, биринчидан, ушбу аккредитивлар экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўлови бўйича хорижий банкнинг ҳужжатлаштирилган аккредитиви мавжуд бўлган экспортёрларга очилиши лозим; иккинчидан, ушбу аккредитивлар ҳисобидан экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жорий харажатлар ва товарларни ташиш харажатлари молиялаштирилиши керак; учинчидан, ушбу аккредитивлардан фойдаланувчи экспортёрларнинг жорий ликвидлилиги халқаро амалиётда умумзътироф этилган меърий талабдан (2,0) паст бўлмаслиги зарур.

2. Тижорат банклари кредитлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш ҳажмини ошириш мақсадида, биринчидан, экспорт қилинаёт-

ган маҳсулотлари бўйича тўлов кафолатланган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва қишлоқ хўжалик корхоналарига берилा�ётган кредитларнинг фоиз ставкасини белгилашда кредит ва фоиз рискининг дарожаларини ҳисобга олиш зарур; иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи субъектларни Марказий банк томонидан селектив кредитлашни йўлга қўйиш лозим; учинчидан, тижорат банклари томонидан берилा�ётган мазкур экспорт кредитларини қатъий белгиланган ставкаларда берилишини таъминлаш керак (бунинг учун тижорат банклари хорижий валюталарда жалб қиласидан ресурслар қатъий белгиланган ставкага эга бўлиши керак).

Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи қўйидаги натижаларни беради:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчиларнинг банкларнинг экспорт кредитларидан фойдаланиш даражаси ошади;
- тижорат банкларининг экспорт кредитлари билан боғлиқ бўлган кредит риски даражаси пасаяди;
- экспортчи аграр субъектлар учун фоиз риски сезиларли даражада пасаяди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида// Конун ҳужжатлари маълумотлар миллӣ базаси. 24.10.2019 й., 06/19/5853/3955-сон.
2. Малий В.А. Анализ системы страхования сельскохозяйственных рисков с государственным участием и меры по ее совершенствованию//Известия КГТУ. – Калининград, 2018. – №50. – С. 187-188.
3. Короткова С. Н., Ткач Ю. Б. Кредитование как одно из направлений финансирования сельского хозяйства в условиях членства в ВТО и санкций//Материалы международной научно-практической конференции «Аюшиевские чтения. Финансово-кредитная система: опыт, проблемы, инновации» и др. – Иркутск: НИЦ «Апробация», 2016. — С. 124–130.; Шкарупа Е. А., Переходов П. П. Кредитование сельского хозяйства: особенности, проблемы, тенденции развития//Региональная экономика: теория и практика. — 2015. — № 44. — С. 52–56.; Scott J.A., Dinkelberg W.C., Dennis W.J. Credit, Banks and Small Business – the New Century – Washington: NFIB Research Foundation, 2003. – 96 р.
4. Гаврилов А.А. Совершенствование механизма финансирования экспортата в России//Национальные интересы: приоритеты и безопасность. – Москва, 2011. – С. 39-48.
5. Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришда банклар фаолигини оширишнинг асосий ўйналилари. Иқт. ф.н. илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: БМА, 2005. – 22 б.
6. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услибий ва амалий асосларини тасомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 29.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПК-4406-сонли "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича юшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори//Конун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 31.07.2019 й., 07/19/4406/3496-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 163-сонли қарори. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида//Конун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 25.02.2019 й., 09/19/163/2663-сон.
9. Ташки иқтисодий фаолият. Статистик бюллетень, 2020. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси).
10. АТ "Агробанк"нинг баланс маълумотлари. www.agrobank.uz
11. Кредит хизматлари. www.agrobank.uz (Агробанк).